UZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№


# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 59 (9.403) 2000 йил 19 май, жума ◆ Сотувда эркин нархда


# ВЛАДИМИР ПУТИН ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ



18 май куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин амалий ташриф билан Ўзбекистонга келди. Бу унинг Президент лавозимини расман эгаллаганидан кейинги биринчи хорижий сафаридир. В. Путин Россия Бош вазири лавозимида ишлаб юрган кезларида, аниқроғи, ўтган йилнинг декабрь ойида ҳам Ўзбекистонга келган ва ўша ташриф асносида икки томонлама муносабатларда улкан бурилишлар ясашга қаратилган ҳужжатлар имзоланган эди. Сўнгги вақтларда жаҳон оммавий ахборот воситаларида Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар изчиллашиб бораётгани қайд этилмоқда. Бу икки мамлакат ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор эканлигини яхши англашини, алоқаларни мустаҳкамлашга интилиш бир хилда кучли эканлигини кўрсатади. Кузатувчиларнинг фикрича, В. Путиннинг юртимизга буюрган бу галги, Президент сифатидаги ташрифи муносабатларимизни янги поғонага кўтаришга қаратилган яна бир залворли қадам бўлади.

Тошкент аэропортида юксак мартабали меҳмон ва унинг рафиқасини мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов рафиқаси билан қарши олди.

Икки давлат Президентлари ўтирган машиналар карвони пойтахтимиз марказидаги Хотира майдонига йўл олди. Россия раҳбари Ватан учун жон фидо қилган юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтириб, «Мотамсаро она» ҳайкали пойига анвойи гуллар қўйди.

«Дўрмон» қароргоҳида Россия Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Юксак мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон ва Россия Президентлари шоҳсупага кўтарилди. Икки давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтди.

Шундан сўнг икки давлат раҳбарларининг яккама-якка мулоқоти бўлиб ўтди.

19 май куни Ўзбекистон ва Россия Президентларининг мулоқоти давом этади ҳамда икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтади. Учрашувларда икки томонлама савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик, хавфсизлик, жумладан, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, халқаро терроризмга қарши биргаликда курашиш ва бошқа масалалар муҳокама этилиши кутилмоқда.

**(ЎзА).**

**СУРАТДА: ташриф пайтидан лавҳа.**

**Абдувоҳид Тўраев олган сурат.**

*Саноат*

# РОССИЯЛИК ИШОНЧЛИ ҲАМКОРЛАР БИЛАН

Пойтахтимизда Россия давлати билан ҳамкорликда тузилган қўшма корхоналар сони ортиб бормоқда. Улардан бири шаҳримиздаги йирик корхоналардан саналган «Ўзэлектроаппарат» ҳиссадорлик жамияти қошида ташкил этилган «ЭЛГА-ОСИЁ» Ўзбекистон—Россия қўшма корхонаси уч йилдан буён муваффақият билан фаолият кўрсатмоқда.

Корхона Россиянинг замонавий асбоб-ускуналари билан жиҳозланганлиги боис меҳнат унумдорлиги кундан-кунга ортиб бормоқда. Бу ерда ҳар бир хонадон учун зарур жиҳоз — электр плиталар ишлаб чиқарилади. Шуниси эътиборлики, тайёрланаётган «ЭП-301», «ЭП-411», «ЭП-43РЗ» деб номланган уч ва тўрт камфорали электр плиталарига нафақат мамлакатимиз, балки Ҳамдўстлик давлатларидаги харидорлардан ҳам буюртмалар тушмоқда.

— Россиялик шерикларимизнинг бизга кўрсатаётган ҳиммати туфайли ўтган йили маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 23 миллион сўмни ташкил этди, — дейди жамоа раҳбари Евгений Ерофеев. — Жамоа аъзоларининг сони ҳам бир ярим бараварга ортиб, ўнта қўшимча ишчи ўрни яратилди. Шу кунгача Россиядан бутловчи қисмларни келтириб, маҳсулот ишлаб чиқараётган бўлсак, йил охиригача уларни ўзимизда тайёрлашни кўзда тутаяпмиз. Бу борада ҳам бизга ишончли шерикларимиз — россиялик ҳамкорлар катта ёрдам беришмоқда. Бундан ташқари аҳолига қулай бўлишини назарда тутиб, электр плиталари таъмирини ҳам йўлга қўйдик.

Корхона мутахассислари маҳсулотнинг янги — сифатли ва рақобатбардош турларини яратиш йўлида изланмоқдалар. Ана шу изланишлар натижасида ўтган йили яна бир тўрт камфорали электр плитаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Келгусида корхонада газ-электр плиталар, электр шкафлар ишлаб чиқариш ва бу маҳсулотларни жаҳон бозорига олиб чиқиш кўзда тутилмоқда.

**Шарифа ИЛЁСОВА.**

*Анжуманлар*

# ТОШКЕНТ МАҲАЛЛАЛАРИНИНГ ИСТИҚБОЛИ

КЕЧА

**Тошкент шаҳар ҳокимлигида пойтахт ҳокимлиги, шаҳар маҳалла оқсоқоллари Кенгаши ташаббуси билан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи бўлмиш маҳаллалар фаолиятини замон талаблари асосида шакллантириш, эркинлаштириш, мустақиллигини таъминлаш ва янада ривожлантириш масалаларига бағишланган «Тошкент маҳаллаларининг истиқболи» мавзуидаги амалий семинар-конференция ўз ишини бошлади. Уни Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Рихситилла Акромов олиб борди. Анжуманда шаҳар ва туманлар ҳокимликлари вакиллари, солиқ, молия, ички ишлар, ижтимоий таъминот, меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш, банк, прокуратура идоралари раҳбарлари, туманлар маҳаллалар оқсоқоллар кенгашларининг раислари, олимлар, мутахассислар иштирок этди.**

Дастлаб шаҳар оқсоқоллар Кенгаши ва пойтахт «Маҳалла» жамғармасининг раиси Аъзамжон Гадойбоев сўзга чиқиб, йиғилганлар эътиборини жамиятимизда мавқеи ва роли тобора ошиб бораётган маҳаллалар XXI асрда қандай бўлиши кераклиги масаласига қаратди. Биз қадимдан тарбия, одоб ўчоғи бўлиб келган маҳаллаларнинг вазифаларини кўпайтирдик. Ҳозир маҳаллаларнинг ҳуқуқларини ошириш масаласи долзарбдир. Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида Республикамиз Президенти таъкидлаганидек, «Одамларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти, сиёсий фаоллиги юксалиб борган сари, давлат вазифаларининг нодавлат тузилмалар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органига босқичма босқич ўтказиб бориш зарур. Бу борада ўзини-ўзи бошқарадиган идораларнинг, маҳаллаларнинг нуфузини ва мавқеини ошириш, уларга кўпроқ ҳуқуқ бериш катта аҳамият касб этади». Бизнинг ана шу йўл-йўриқлардан келиб чиққан ҳолда фаолият юритишимиз лозим.

Профессор Садир Салимов, Шайхонтоҳур туманидаги «Исломобод» маҳалласи оқсоқоли Эркин Қосимов, Собир Раҳимов туманидаги «Чиғатой оқтепаси» маҳалласи оқсоқоли Хайрулла Мўминовлар маҳалла фаолларининг ҳуқуқий ваколатларини аниқлаш, болалар тарбияси, кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш ва тадбиркорлик тажрибалари, маҳаллалар ишини ривожлантириш, маҳалла фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Сўнг маҳаллаларнинг иш юритиш тизими, маҳалладаги ижтимоий масалаларнинг ҳал этилиш йўллари, маҳалла иқтисодиётини шакллантириш асослари каби тўртта ишчи секцияси бўйича конференция давом этди.

БУГУН

«Тошкент маҳаллаларининг истиқболи» амалий семинар-конференцияси ўз ишини якунлади.

**Дилшод ИСРОИЛОВ.**

Тошкентда «Ўзтемирйўлмаштаъмир» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Тошкент тепловоз таъмирлаш заводининг 100 йиллик юбилейига бағишланган тантаналар бўлиб ўтмоқда.

# ТОШКЕНТ ТЕПЛОВОЗ ТАЪМИРЛАШ ЗАВОДИ — 100 ЁШДА

Завод Бош темир йўл устахоналари ўрнида 1900 йилда ташкил этилган. Орадан юз йил ўтгач, завод тепловозлар, дизелларни таъмирлаш, темир йўл транспорти учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган замонавий, қудратли салоҳиятга эга корхонага айланди.

Пойтахтдаги Темирйўлчилар саройида завод юбилейига бағишланган тантанали мажлис ўтказилди. Уни Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов бошқарди.

Мамлакатимиз темир йўллари 120 йиллик тарихга эга. Бу давр ичида у ҳамкорлар ишончини қозониб, ўз моҳиятига кўра, Шарқ ва Ғарбни боғловчи асосий бўғинга айланди. Жануби-Шарқий Осиёнинг Европа мамлакатлари билан транспорт алоқаларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган бу тизимдан кўп сонли халқаро транспорт йўлаклари ўтади.

Мамлакатимиз Президенти ва ҳукумати темир йўл транспортини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратмоқда. Президентимиз Ислом Каримов тепловоз таъмирлаш заводининг 100 йиллик юбилейига бағишланган табригида бутун Марказий Осиё учун ноёб бўлган, бир асрга тенг тарихи мобайнида завод шонли йўлни босиб ўтганлигини таъкидлади. Бозор муносабатлари ривожланаётган ва мустаҳкамланаётган ҳозирги шароитда завод ишлаб чиқариш ҳажмларини барқарор ошириб, Ўзбекистон иқтисодий қудратини кучайтиришга сезиларли ҳисса қўшиб келмоқда. Мустақиллик йилларида завод жамоаси илгари республикадан ташқарида бажарилган локомотивлар ва вагонларни таъмирлаш ишларини ўзлаштирди. Заводда ишлаб чиқаришни янгилаш ва жаҳон талаблари даражасидаги илғор технологияларни ишлаб чиқиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш мақсадли амалга оширилмоқда.

Илғор технологиялар, замонавий асбоб-ускуналар жорий этилиши заводни қисқа муддат ичида юқори фойда оладиган корхонага айлантирди. Ҳозирги пайтда корхона ўз ихтисослигига кўра, Ўрта Осиё ва Қозоғистонда ҳаракатланувчи таркибни таъмирлаш ва унга эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи ягона корхона ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ, узоқ йиллик ҳалол меҳнати, юқори ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришганлиги, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси ва жамоатчилик ҳаётидаги фаол иштироки учун «Ўзтемирйўлмаштаъмир» ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Тошкент тепловоз таъмирлаш заводининг бир гуруҳ ходимлари давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди.



Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари В. Отаев сўзга чиқди.

**Д. САИТОВА,**
**ЎзА мухбири.**

**СУРАТЛАРДА: завод юбилейига бағишланган тантанали мажлисдан лавҳалар.**

**Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.**



# ДАВР САДОСИ

«Тошкент оқшоми»

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

## МАМЛАКАТИМИЗДА

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда ҳудудий комиссияларнинг Наманган, Фарғона вилоятларида зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналар банкротлиги ва уларни санациялаш, Тошкент шаҳридаги санацияланаётган корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва истиқболсиз корхоналарни тугатиш тўғрисидаги ахборот тингланди.
- Мамлакатимизга Коммерцбанк бошқаруви аъзоси Андреас де Мезьер бошчилигидаги банк делегацияси расмий ташриф буюрди. Немис банкирларининг республикадаги бир қанча вазирлик ва идоралар, тижорат банклари раҳбарлари билан бўлган учрашувларида Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларини янада жадаллаштириш истиқболлари, мамлакатимиз банк тизимини ривожлантиришга кўмаклашиш масалалари муҳокама қилинди.
- **Кеча** пойтахтимизда инсоният учун хизмат қилишда зарур бўлган янги технологияларга бағишланган «INFRA—2000» халқаро конференция очилди.
- **Бугун** пойтахтимиздаги муҳташам «Туркистон» саройида «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар бўйича якуний босқичи бўлиб ўтди. (Шу ҳақдаги тўлиқ ҳисобот газетамизда ёритилади).
- «Осиё — Инвест Банк» акциядорлик тижорат банки акциядорларининг йиллик йиғилиши ўтказилди.
- Тошкентда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг биринчи республика спартакиадаси доирасида шахмат бўйича мусобақа бўлиб ўтди.
- Яқин кунларда Хумсон, Чимён, Оқтош томонлардаги ёзги оромгоҳларда болаларнинг шодон қийқириқлари, қуй-қўшиқлари янграй бошлайди. Улар 40 мингдан ортиқ ўғил-қизни ўз бағрига олади.
- Соғлом авлод йилига бағишлаб Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Олий педагогика ўқув юртлари ўртасида «Қизлар мустақил ҳаёт бўсағасида» танлови ўтказилди.
- Навоий шаҳрида иқтисодиёт ва савдо масалаларига бағишланган халқаро семинар бўлди.
- Самарқандда бир ҳафта давом этадиган нуфузли спорт анжумани — Челленжер теннис турнири мусобақаларида жаҳоннинг 15 та мамлакатларидан кучли спортчилар иштирок этишмоқда. Улар орасида ҳамюртларимиз Олег Огородов, Вадим Куценко сингари теннис оламида ном қозонган спортчиларимиз бор.

## ЖАҲОНДА

- Россия Федерацияси Давлат думаси қисқа муддат ичида кўпчилик овоз билан М. Касьяновни мамлакат ҳукумати раиси лавозимига тасдиқлади.
- **Кеча** Остонада Ҳамдўстлик мамлакатлари хавфсизлик кенгашининг саккизинчи йиғилиши очилди. Унда Ҳамдўстликдаги мамлакатлар махсус хизмат ходимлари ва миллий хавфсизлик органларининг раҳбарлари наркобизнес, уюшган жиноятчилик, халқаро терроризмга қарши ҳамкорликни кучайтириш масаласини муҳокама қилдилар.
- АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайт НАТОга аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирларининг 24-25 май кунлари Флоренцияда бўлиб ўтадиган учрашувида иштирок этади. Бу тадбирда альянснинг Босния ва Косоводаги амалга оширилиши керак бўлган тадбирлари муҳокама қилинади.
- **Бугун** Американинг «Атлантис» космик кемаси бортида олимпия машъали билан фазога учирилади.
- Аргентинада сув тошқини авжига чиқмоқда. Давомли қаттиқ жала оқибатида пойтахт Буэнос-Айрос атрофида яшаётган 25 минг киши хавфсиз жойга кўчирилди.
- Индонезиянинг Амбон шаҳрида юз берган можаро оқибатида икки киши ҳалок бўлди ва ўн бир киши яраланди. Хабарларга қараганда, насронийлар билан мусулмонлар ўртасида келиб чиққан ва анча вақт давом этган тартибсизликларни тўхтатиш учун хавфсизлик кучлари қурол ишлатишга мажбур бўлган.
- Камчатка ярим ороли марказида жойлашган Милково қишлоғидан 20 километр узоқликда 250 гектар майдонни эгаллаган ёнғин ўчоғи қайд этилди. Айни пайтда Узоқ Шарқда жами 4144 гектар майдонни эгаллаган ёнғин ўчоқлари мавжуд.
- Таиландда енгил атлетика бўйича ўтказилган халқаро турнир ниҳоясига етди.
- Белградлик 6 ёшли шахматчи ўсмирлар ўртасида Европа чемпиони бўлди.

# «УНИВЕРСИАДА—2000» ИШТИРОКЧИЛАРНИ КУТМОҚДА

OZBEKISTON UNIVERSIADASI

Мустақил республикамизда ўтказиладиган спорт мусобақаларининг сони яна биттага кўпайди. Шу йилнинг 22-29 май кунлари Наманганда Юртбошимиз Ислом Каримов ташаббуслари билан талаба-ёшлар ўртасида илк бор «Универсиада—2000» спорт мусобақалари бўлиб ўтади. Ёшларимиз соғлиғини мустаҳкамлаш, талабалар ўртасида спортни ривожлантириш каби хайрли мақсадларни кўзлаб ташкил этилаётган универсиада мусобақалари енгил атлетика, шахмат, фарғонача ва бухороча кураш, катта теннис ва стол тенниси, футбол, баскетбол, волейбол каби тўққизта спорт турлари бўйича ўтказилади.

— Наманганда ўтказилаётган «Универсиада—2000» финал мусобақалари учинчи босқич беллашувлари ҳисобланади, — дейди Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раисининг ўринбосари Муҳаммаджон Тошматов. — Шаҳримиздаги барча 26 та университет ва институтлар дастлабки босқичларда фаол қатнашишди. Айниқса, олий ўқув юртлариаро иккинчи босқич беллашувлари жуда қизиқарли ва муросасиз кечди.

Улар натижасига кўра Наманганда беллашиш учун уч нафардан шаҳримиз олий ўқув юртлари жамоалари аниқланди. Жумладан, футбол бўйича Тошкент Давлат жисмоний тарбия, Шарқшунослик институтлари, Тошкент Давлат техника университети, катта теннисдан жисмоний тарбия, алоқа-электротехника институтлари, жаҳон иқтисоди ва дипломатия университети, волейболдан эркаклар ўртасида Тошкент Давлат педагогика университети, жисмоний тарбия институти, Тошкент давлат техника университети, баскетбол бўйича аёллар ва эркаклар ўртасида ўзбек Давлат миллий университети, жисмоний тарбия институти, Тошкент давлат техника университети жамоалари ғалаба учун кураш олиб борадилар. Шуни таъкидлаш жоизки, шаҳримиз олий ўқув юртлари юқоридаги тўққизта спорт туридан ташқари бокс, сузиш, диск улоқтириш каби турлар бўйича ҳам ўзаро беллашишди. Тайёргарликни эса шаҳримиз олий ўқув юртларининг энг яхши базаларида ўташди.

Ўйлаймизки, енгил атлетика, шахмат, футбол, теннис, баскетбол ва волейбол бўйича совринли ўринларни эгаллаш учун шаҳримиз олий ўқув юртларининг куч-имкониятлари етарли даражада.

**Дилмурод ИСМОИЛОВ.**

*Тошкент шаҳар ҳокимлигида*

# ҲАРАКАТЛАНИШ ХАВФСИЗЛИГИ — ҲАЁТИМИЗ ГАРОВИ

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Атҳамжон Миржалилов олиб борди.

Унда асосан 2000 йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ва йўл-патруль хизмати шахсий таркиби томонидан йўлларда ҳаракатланишни назорат қилиш ва қоидабузарликларни аниқлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш борасида олиб борилган ишлар чуқур таҳлил қилинди.

Йиғилишда ёзнинг айни қизғин палласида чекка вилоятларга жамоа бўлиб дам олишга отланаётган ҳамшаҳарларимиз йўлга чиқиши олдидан автоуловларни тегишли ташкилотлардан керакли ҳужжатлар билан расмийлаштириши лозимлиги таъкидланди. Шаҳримиздаги айрим йўл ости йўлларининг, бекатларнинг ҳамда автоуловлар тўхташ жойларининг аҳволи ҳақида ҳам атрофлича тўхталиб ўтилди, камчиликлар очиқ-ойдин айтилди.

Бу ва бошқа муаммолар пойтахтимиздаги «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси, «Тошшаҳарюктранс», «Тошшаҳарқурилиштранс» концернлари ҳамда ички ишлар идоралари ҳамкорлигида бартараф этилиши билдирилди.

*Қурилиш*



# ТЕЗДА ҚАД РОСТЛАДИ

Миробод тумани ҳудудидаги баланд қаватли уйларнинг сони ҳадемай яна биттага кўпаяди. Қисқа вақт ичида қад ростлаётган ўн икки қаватли уйнинг бешинчи қаватида пайвандлаш-тиклаш ишлари якунланди. Бунёд ишларини «1-уй-жой қурилиш» акционерлик жамиятига қарашли «1-қурилиш конвейерлар бошқармаси» қурувчилари олиб боришмоқда.

— Бу уйнинг буюртмачилари «Ўзуйжойжамғармабанки» бўлиб, қурилиш ишларига керак бўладиган барча материаллар ўз вақтида етказиб берилмоқда, — дейди иш юритувчи Мирвосиқ Соатов. — Банк томонидан берилган буюртма лойиҳасини қўлга олганимизда бири-бирига ўхшамаган уйлар қад ростлайди, деган хулосага келган эдик. Худди шундай бўляпти ҳам. Авваллари қурган уйларимизда панеллар орасига пишиқ ғишт терилар эди. Бу уйда пишиқ-пухта қилиб заводда тайёрланган тайёр ҳолдаги панеллар бир-бирига уланмоқда. Биз ишни бошлаш олдидан асосий эътибор пайвандлашга қаратилмоғи лозим, деган хулосага келдик. Натижада Николай Плохих раҳбарлигидаги бригада аъзолари моҳирлик билан иш бошлашди. Электр пайвандчи Владимир Ванин, Олег Мартьянов, тикловчи Раҳим Тошматов, Қобил Юсуповлар ўз маҳоратларини кўрсатиб меҳнат қилишаётир. Иш уч сменада ташкил этилди, ўттизга яқин бунёдкор ҳормай-толмай ишламоқда. 46 хонадонга мўлжалланган 1-уйнинг асосий ишлари тугалланиб, пардоз ишлари бошлангач, навбатдаги иккинчи ўн икки қаватли уйни ҳам қуришни бошлаб юборамиз.

**Гули АБДУЛЛАЕВА.**



**СУРАТЛАРДА: «1-қурилиш конвейерлар бошқармаси» қурувчилари (чапдан ўнгга) тикловчи Қобул Юсупов, бригадир Николай Плохих, электр пайвандчи Олег Мартьянов, тикловчи Раҳим Тошматовлар иш режаларини қайта кўриб чиқишмоқда; қад кўтараётган баланд қаватли уйнинг кўриниши.**

**Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.**

*Бандлик*

# КАСБГА МЕҲР

Эндигина мактабни битириш арафасида турган ёки шунга яқинлашаётган ёшлардан ким бўлмоқчисан, деб сўрасангиз, ўз мақсадларини баён этишади. Орзуга айб йўқ. Энг муҳими, уларнинг қалбида касбга меҳр уйғонган.

Шайхонтоҳур тумани меҳнат органи томонидан ўтказилган навбатдаги ҳудудий меҳнат ярмаркаси худди ана шундай энди касб танлаётган мактаб ёшидаги ўқувчиларга, аниқроғи ёшларга бағишланди.

— Аввалига мактабимизда меҳнат ярмаркаси ўтказамиз дейишганда, болалар учун қандай қизиғи бўлар экан, деган хулосада бўлдик, — дейди 13-мактаб директори Абдурашид Султонов. — Биз ўйлаган даражадан ҳам яхши бўлди, десам муболаға бўлмайди. Сабаби болаларнинг аксарияти ҳеч иккиланмай, тортинмай туманимиздан келган корхоналарнинг вакиллари билан тўғридан-тўғри мулоқот қилишиб, тавсия этилаётган бўш иш ўринлари ҳақида, корхонадаги иш шароитлари, маошлари, ишчилар учун яратилган имконият ва имтиёзлар ҳақида сўрашганини кўриб ғоят мамнун бўлдик. Шундай хулосага келдикки, мактабларда, айниқса битирувчи синфларнинг ўқувчилари ўртасида бундай ярмаркаларни ўтказиб туриш фойдадан ҳоли эмас экан.

— Касбга меҳрни болаликдан бошлаб уйғотиш, аввало ота-онанинг қобилиятига ҳам боғлиқ, — дейди Шайхонтоҳур тумани меҳнат органи раҳбари Маъсуда Каримова. — Ана шу меҳр бора-бора кучайиб, келажакка замин яратган бўлади. Гоҳо бирор ҳунарни ўрганмаган ёки бирор ерда таълимни тўлиқ ололмаган ёшларнинг аксарияти ҳаётда ҳам қоқилиб, вақти келганда нима иш қилишини билмай қолади. Бизнинг асосий мақсадимиз ҳар қандай ҳолатда бўлсада органимиздан кўмак сўраб келган хоҳ аёл, хоҳ эркак бўлсин, имкон борича ёрдамимизни аямаймиз. Ҳаттоки, агар ўқуви етса, қўшимча касб ўрганиш учун бепул ўқишга юборамиз. Бўлмаса, «Усто-шогирд» услуби асосида бўлса ҳам бирор ҳунарни ўргатишга ҳаракат қиламиз.

Мактабда ўтказилган ярмаркада асосан ёшларга эътибор қаратган бўлсакда, кўпроқ катталар ҳам иштирок этишди. Айниқса «Самарқанд дарбоза» ва «Янгиобод» маҳаллаларининг барча каттаю кичиги жуда кўп саволлар билан мурожаат этиб, ечимини кутаётган муаммоларининг маҳсулини олишди. Сабаби бу ерга келган корхона вакиллари мурожаат этган фуқарога фақат бўш иш ўрни ҳақида маълумот берибгина қолмай, иш шароити, корхонанинг имконияти ва нимага қодир эканлиги ҳақида ҳам тушунтирдилар. Улар тўлиқ ва батафсил маълумот олганликлари учун ҳам ғоят мамнун бўлишди. Биз ишловчи билан иш билан таъминловчи ўртасидаги воситачилик ролимизни оз бўлсада бажарганимиздан, биргина ўтказилган ҳудудий ярмаркамизда бир нечта фуқарони иш билан таъминлаганимиздан ғоят мамнунмиз. Режамизда йил давомида мана шундай ҳудудий ярмаркаларни икки-уч марота ўтказишни мўлжаллаяпмиз.

**Гулзода МАМБЕТОВА.**

*Ибратнома*

Ҳеч дўст танлаш ва дўстликнинг қадри ҳақида ўйлаганмисиз? Ёлғизлик ва дўстсиз яшаш нақадар оғир. Чунки дўстсиз қалб ғамгин қалбдир. Ҳаётнинг ҳамма даврларида ширин хотиралар, хусусан ўқиш давридаги хуш дамлар дўстликка равнақ қўшади. Лекин муносиб дўст танлашнинг ўзи бир ҳунар бўлиб, улуғларнинг панду насиҳатлари ва тажрибаларидан ибрат олиш мақсадга мувофиқдир.

# ДЎСТ ТАНЛАШ ҲАҚИДА

Имом Ғаззолий дўст танлаш ҳақида шундай ёзган экан: «Билгилки, ҳар киши суҳбатлашишга ва дўстликка лойиқ эмас. Бирон киши билан суҳбат қуришдан аввал унинг учта хислатига эътибор бериш керак. Биринчидан, у одам ақлли бўлсин, чунки нодон суҳбатидан фойда йўқ. Иккинчидан, суҳбатдошинг яхши хулқли бўлсин, чунки хулқи ёмондан яхшилик чиқиши қийин. Учинчидан, солиҳ инсон бўлсин, чунки ҳеч нарсани тан олмайдиган, худодан қўрқмайдиган одамга эътимод қўйиш яхши эмас».

Саъдий Шерозий «Гулистон» асарида шундай ёзган экан: «Ҳар кимки ёмон билан ўтирса, у кишининг табиатига ёмон одам таъсир қилмаса ҳам, унинг тариқатига зарар келтиради».

Унсурул Маоний Кайковуснинг «Қобуснома»сида шундай жумлалар келтирилган: «Билгилки, эй фарзанд, то киши тирикдир, дўстсиз бўлмағусидир. Кишининг дўстсиз бўлганидан биродарсиз бўлгани яхшидир». Бир ҳакимдан: «Дўст яхшироқми ёки аками?» деб сўрабдилар. У киши: «Аканг агар дўстинг бўлса яхшидир», деб жавоб берибди.

Дебдурлар: «Яхши дўст катта хазинадир. Нодонлар билан ҳеч қачон дўст бўлма. Нодон дўст юзта ақлли душманда ёмонроқдир. Ёмон билан ўтиргандан танҳо ўтирган яхшидир».

Имом Ғаззолий яна шундай ёзган экан: «Ёмон улфат темирчига ўхшайди. Кийимингни куйдирмаса ҳам, олови сени куйдиради. Яхши улфат атторга ўхшайди, сенга мушканбар бермаса ҳам, мушку анбар ҳиди сени қоплайди».

**Форсийдан Баҳриддин ТУРҒУНОВ таржимаси.**

*Бека*

# КЎК ЮПҚА

Ҳар баҳор бувимнинг ажойиб таомларини севиб еймиз. Оиладаги опа-сингиллар тайёрлашса ҳам ҳеч бувимникига ўхшамайди. Бу қандай таом дейсизми, марҳамат, сиз ҳам қилиб кўрингчи...

Даставвал, ўрганиш мақсадида 1 стакан сутга ун солиб қорасиз. Қаттиқ ва юмшоқлиги ўртача бўлган хамир қориб тиндириб қўясиз. Хамир тингунга қадар мўлжал бир пиёлада (тўғралгани) кўк пиёз, ялпиз, жағ-жағ, беда, отқулоқ, исмалоқ, туз, бўлса озгина қийма гўштини бирин-кетин қиздирилган ёғда чала қовуриб оласиз. (Гўшт ўрнида пишган картошкани эзиб солсангиз ҳам бўлади). Тайёр бўлган хамирдан ёнғоқдан катта, тухумдан кичик шаклдаги зувалачалар ясаб, 1-1,5 миллиметр қалинликда ёйиб оласиз. Ёйилган хамирни қиздирилган товага ош қошиқда ёғ солиб пиширасиз. Биринчи хамирни икки томони пишгач қовурилган кўкатдан устига ёйиб соласиз. Пишмаган хамирнинг бир донасини олиб кўкат устидан ёпиб, капкир билан таг қисмидаги пишган хамир билан ўрин алмаштирасиз. Мана шу ҳолат 6-7 марта такрорланиб, сўнг товадан оласиз. Юпқангиз юмшоқ туриши учун дарров устини ёпиб қўйинг. Бироз вақт ўтгач чиройлилаб думалоқ ёки тўртбурчак шаклда ўраб, сўнг дастурхонга тортинг. Кўк юпқани пишириб еб, оилангиз билан янада кучга тўлиб юрганингизда пазанда бувижонларимизни эслаб қўйинг.

**Дилобар МЎМИНОВА тайёрлади.**




*Тошкент шаҳар ҳокимлигида*

# ШАҲАР ГАЗ ҚУВУРЛАРИНИНГ ХАВФСИЗ ИШЛАШИНИ ВА ХОНАДОНЛАР ГАЗ АСБОБЛАРИДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги вақтларда Ўзбекистон Республикаси вилоятлари, туманларида газ асбобларидан нотўғри фойдаланиш оқибатида фуқароларнинг тан жароҳати олиши ва ҳалок бўлишига сабаб бўлган портлаш ҳоллари учрамоқда.

Бундай ҳолларнинг вужудга келишига сабаблардан бири ҳар хил бино ва иншоотларнинг ер ости газ қувурлари устига ёки унинг ҳимоя зонасига қурилганлиги, маҳаллий ҳокимиятлар ва тегишли идора раҳбарлари томонидан газ ускуналарини ўз вақтида таъмирлаш ҳамда хавфсизликни таъминлаш ишларига етарли даражада эътибор бермаслик, шунингдек аҳоли ўртасида газ асбобларидан тўғри фойдаланишнинг талаб даражасида тарғиб қилмаслик оқибатидир.

Юқорида келтирилган салбий ҳолатлар ва газдан фойдаланишда содир бўлиши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов «Шаҳар газ қувурларининг хавфсиз ишлашини ва хонадонлар газ асбобларидан тўғри фойдаланишини таъминлаш тўғрисида» қарор қабул қилди.

Унга мувофиқ ер ости газ қувурлари устига ёки уларнинг ҳимоя зонасида ҳамда газ тақсимлаш пунктлари яқинида ноқонуний қурилган бино ва иншоотларни аниқлаш ва уларни буздириб ташлаш, кўп қаватли турар жой бинолари хонадонларида ўзбошимчалик билан газдан хавфсиз фойдаланиш қонун-қоидаларига хилоф равишда газ асбоблари бошқа жойга кўчирилган ҳолларини аниқлаш, газ асбоблари резина шланглар билан уланган ҳолларда уларни газ тармоғидан узиб ташлаш, газдан хавфсиз фойдаланиш бўйича тарғибот ишлари олиб бориш учун ҳайъат таркиби тасдиқланди.

Тошкент шаҳар коммунал хизмат кўрсатиш ҳудудий бирлашмаси ва «Тошгаз» шаҳар бошқармаси томонидан 2000 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар рўйхати тасдиқланди.

«Ўзбекистон Республикаси газ хўжаликлари хавфсизлиги қоидалари»га хилоф равишда ер ости газ қувурлари устига ёки унинг ҳимоя зонасига ҳамда газ тартиблаш пунктлари яқинида ноқонуний қурилган бино ва иншоотларни бузиб ташлаш чоралари қонунда ўрнатилган тартибда кўрилади.

Барча туманлар коммунал хизмат кўрсатиш идоралари раҳбарлари, тумангазлар ҳамда ўт ўчириш идоралари мутасаддилари билан биргаликда кўп қаватли турар жой бинолари хонадонлари газдан мавжуд қонун-қоидаларга асосан тўғри фойдаланишга амал қилишлари, қайта текширувдан ўтказишлари ва аниқланган қонунбузарликлар бўйича амалдаги тартибда чора кўришлари керак.

«Тошгаз» шаҳар бошқармаси зиммасига барча оммавий ахборот воситалари орқали газдан тўғри фойдаланиш мавзусида мақолалар ҳамда радио ва телевидениеда эшиттириш ва кўрсатувлар ташкил қилиш вазифаси топширилди.

Ўз-ўзини бошқариш органларида туман ҳокимлари, тумангазлар билан биргаликда аҳоли ўртасида газдан тўғри фойдаланиш мавзусида тарғибот ишлари олиб борилиши керак.

*Мулоҳаза*

# ПОКИЗАЛИК — АЗАЛИЙ ОДАТИМИЗ

«Юрган дарё, ўтирган бўйра», дейди халқимиз. Тўғри-да, қанчалик кўп дунё кезсангиз, шунчалик ранго-ранг оламни кўрасиз, турли-туман воқеаларнинг гувоҳи бўласиз. Айниқса биз — ижодкорлар учун табиат бағрида, одамлар орасида бўлиш, ҳақиқий ҳаётни жой-жойида кўриб кузатиш ҳаётий зарурат десак муболаға бўлмас. Халқимизнинг турфа хил урф-одатларию ранг-баранг турмуш тарзи ва ниҳоят Она табиатга муносабатини ҳам инсонларнинг қувончу ташвишларига шерик бўлиб, барчага баробар ҳамнафас ҳолда юрган қалам аҳлигина яхши тушунади.

Ҳозирга келиб Она табиат ҳаммамиздан мадад кутяпти. Ёши ўтиб қолган авлод ҳал қилувчи улкан ишларга қўл уриши, катта ишларда фаол иштирок этиши анча мушкул. Ёшларимизнинг эса ўйинқароқликларга берилмай, майда-чуйда ва бекорчи юмушларга умрини зое кетказмай катта курашларга бел боғлаши, асосий масалалар ечимига енг шимариб киришишлари учун вақт етди. Ҳозирги мустақил ҳаётимиз ҳам, айниқса ёшларимизга астойдил ғамхўрлик қилаётган Президентимиз ҳам худди шу йўлга даъват этмоқда. Асосий нажоткор эса Она табиатнинг ўзи. Соғлом авлод йилида фарзандларимизнинг, қолаверса ўзимизнинг ҳам соғ, тетик ва бардам бўлишимиз атроф-муҳит мувозанатининг бузилмаслигига бевосита боғлиқдир...

Мен ўтган салкам олтмиш йиллик умрим давомида бунга қайта-қайта иқрор бўлганман. Оддий бир мисол: фарзандларимизни ҳар қанча парваришлайлик, мудом энг лаззатли ва тўйимли таом билан сийлайлик, аммо атрофимизда мусаффо ҳаво ва тоза сув бўлмас экан, ҳамма ҳаракатларимиз зое кетаверади. Ўғил-қизларимиз рангпар, нимжон ва касалвандликдан бошлари чиқмайди. Тоғ қишлоқларида тоза ҳаво ва тиниқ сувга эҳтиёж унчалик сезилмаслиги учунми, атроф-муҳит муҳофазасига у жойдагиларнинг кўпчилиги деярли эътибор бермайди. Шаҳарда эса...

Хуллас, юқорида айтганимдек, кўп йиллик иш фаолиятим давомида тоғ қишлоқларидан то азим шаҳримиз Тошкентгача бўлган катта-кичик қишлоқлару қўрғонларда меҳнат қилдим, у жойлардаги одамлар ҳаёт тарзининг икир-чикирлари, атроф-муҳитга муносабати хусусида етарлича маълумотларга эга бўлдим ва шу нарсага иқрор бўлдимки, то одат тусига кирмагунча одамлар покизаликка етарли эътибор бермас эканлар. Ёшлик пайтларимда Тошкентдаги Уста Ширин, Шомаҳмудов каби қадимий маҳаллалардаги тўйларда, турли маросимларда иштирок этардим. Шу даврдаги тошкентликларнинг ўта нозиктаъблик билан меҳмон кутишлари, кўча ва ариқларни ғоят покиза тутишларига мен чинакамига қойил қолардим. Улардаги бу каби ибратли фазилатлар албатта узоқ ўтмишдаги аждодларидан мерос бўлиб қолган халқнинг қон-қонига сингиб кетган энг яхши удумлардир. Зилзиладан кейин кўп қаватли уйлар кўпайди, уларнинг орасида баъзан чиқиндиларнинг хирмон-хирмон бўлиб уюлиб ётиши, кераксиз ҳамма нарсаларни ариқларга ағдариш каби хунук одатлар оддий ҳолга айланиб қолганди...

Аслида, хайриятки бундай эмас экан. Юртимиз мустақил бўлгач, аҳвол тезлик билан ижобий томонга ўзгара бошлади. Ҳовли-жойларми, баланд қаватли биноларми, барида қадимдагидек шинам маҳаллалар ташкил этилиб, эсдан чиқаёзган ибратли удумларимизни тошкентликлар қайта тиклашга киришдилар. Қондан-қонга ўтиб келган бундай удумлар ҳеч қачон унутилмаслигини ҳаёт ҳақиқати исботлаяпти. Қалбларию бутун борлиғини покизалик ҳисси қамраб олган, бу йўлда барчага ибрат бўлаётган кўпчилик оқсоқоллар бошқараётган бир қатор маҳаллаларда ҳақиқий орасталик тўла маънода намоён этилмоқда. Энг муҳими, бообрў кексалар ёшларни тўғри йўлга солиш ва уларни қадимий яхши удумларимизни рўёбга чиқаришдек олижаноб ишларга жалб этишга астойдил киришганлар. Шундай самарали фаолият натижаси ўлароқ, орадан беш-ўн йил ўтмай, шаҳарнинг ҳамма томонида қадим-қадимдаги меҳр-оқибат, кўркамлик, файз-барака ва покизаликлар қад ростлай бошлади. Сўлим хиёбонлар, кошиндор чойхонаю оромгоҳлар кўпайди.

Бироқ, шоли курмаксиз бўлмаганидек, бетартиб маҳаллалар, покизаликка эътибор бермайдиган жойлар ҳам йўқ эмас. Уларни ҳатто «зангори экран» орқали ҳам кўриб турибмиз. Аммо пойтахтимизнинг ана шундай жойлари ҳам эртами-кечми обод гўшалардан бири бўлишига ишонамиз.

Ҳадемай ёзги мавсум бошланади. Ҳар йилги мавсумда шаҳри азимдан неча ўн минглаб дам олувчилар Чирчиқ дарёсининг токи бош қисмига қадар боришиб, сув бўйларида ҳордиқ чиқарадилар. Айниқса, Чорвоқ сув омбори атрофларини одам босиб кетади.Ўзлари билиб-билмайми, ҳаммаёқни чиқиндиларга тўлдириб юборадилар. Улар томонидан қолдирилган уюм-уюм ифлос нарсалар тўппа-тўғри Чирчиқ дарёсига оқиб тушаверади. Қарабсизки, бу чиқиндилар дарё орқали тўғри пойтахтга оқиб тушади. Хўш, бунга йўл қўймаслик учун нима қилишимиз керак? Аввало, тоғларда, дарё ва ариқларнинг бўйларида, Чорвоқ сув омбори теварагида салқинлаётган ҳар бир инсон «осмонга тупурсанг, тупугинг қайтиб юзингга тушади», деган иборани ёдида тутмоғи ва ўзидан бирон ҳам чиқинди қолдирмаслиги лозим. Қолаверса, асосан Чирчиқ дарёсининг тоза оқишини таъминлаш мақсадида деярли ўн беш йил муқаддам бошланиб, 1968 йилдан буён чала ҳолда ташлаб кетилган Чимён — Бақачўл канализация коллектори қурилишини албатта охирига етказиш керак. Авлодларимизнинг, шу жумладан ўзимизнинг ҳам соғ-саломат умр кечиришимиз учун бу қурилишни поёнига етказиш шунчалар муҳимки, керак бўлса ўзига тўқ, маблағи етарли жамоалар, ташкилотлар, бевосита ҳашар уюштирсалар савоб бўларди. Бундан ташқари Тошкент шаҳри ичкарисига тарқалиб кетган каналлар, анҳорлар, ариқлар тозалигига ҳам эришмоқ даркор. Биргина Салор каналчасидаги ачинарли аҳволни кўриб лол қоласан киши. Шаҳарда нима кўп — ташкилот кўп, ким кўп — яшовчи кўп. Маҳалла қўмиталари жон койитиб бир киришсалар, ҳамма ариқ ва анҳорларни қисқа вақтда тоза ҳолга келтиришлари мумкин-ку! Тозалаш ишларини ўтказиб бўлгач ҳам назоратни ҳеч қачон бўшаштирмаслик, сувни булғаганларни эса қаттиқ жазолаш керак. Токи покизалик доимий одатимизга айланиб қолгунча курашни бўшаштирмаслик лозим.

Хуллас, атроф-муҳит мувозанатини, айниқса ягона ичимлик суви манбаи бўлмиш Чирчиқ дарёсининг бошдан оёқ топ-тоза бўлишини таъминлаш, тоғлардан оқиб келаётган об-ҳаётни салгина бўлса ҳам булғамаслик ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз бўлмоғи даркор. Ахир биз яшаётган юртлар қадим-қадимдан покизаликнинг энг асосий маконлари бўлган-ку! Айниқса сувни тоза тутиш, унга тупуриш ёки бирон нарса оқизиш гуноҳи азим эканлигини ота-боболаримиз қайта-қайта таъкидлаганлар. Бу ибратли анъаналар ҳаммамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

**Асад АСИЛ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси.**

*Зеболик*

# КИЙИНИШ МАДАНИЯТИ

Аёлларнинг кийиниш маданияти асосан ёшга, қоматга ва фаслга мос бўлиши керак. Ҳар бир аёл ўз қадди-қоматига ва кўринишига қараб мос мато ва ранг танлаши лозим. Масалан, тўладан келган аёллар очиқ рангли матодан ёки гули майда матодан либос кийишлари лозим. Шунинг билан бирга қорачадан келган аёллар оч пушти, оч яшил ва жудаям тўқ ранглар киймасликлари, аксинча сидирға ёки кулранг, ўртача рангли матодан кийим кийсалар мақсадга мувофиқ бўлади. Нозик қизларимиз йўл-йўл матодан кийим кийсалар озғинликлари билинмайди. Нозик қизлар очиқ рангли ёки гули катта-катта матодан кийим кийсалар жуда ёқимли кўринади.

Ўрта бўйли қизлар йўл-йўл матодан кийим кийсалар бўйлари баланд кўринади.

Тўладан келган қизлар очиқ рангли сидирға ва енгсиз кийим киймасликлари лозим.

**Дилдора СОДИҚОВА.**

*«Оқшом»нинг ҳуқуқий маслаҳатхонаси*

# СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

**Савол: Агар хизматчи иш пайтида хасталикка чалиниб, ишга яроқсиз бўлиб қолса, унга ўзи хизмат қилган корхона томонидан моддий ёрдам кўрсатиладими?**

**Жавоб:** Ҳақиқатан ҳам бемор иш вақтида касалликка чалинган бўлса, унга «Меҳнат Кодексининг 189-190» моддаларига мувофиқ у меҳнат қилган корхона моддий-маънавий ёрдам кўрсатиши шарт. Агар шу бемор биринчи гуруҳ ногирони бўлиб, қаровга муҳтож бўлса ҳам, уни парвариш қилаётган шахсга давлат томонидан имтиёзли нафақа тўлаш Қонунда кўрсатилмаган. Аммо бемор маҳалласидан моддий ёрдам олиши мумкин.

* * *

**Савол: Баъзан эшитиб қоламизки, гўёки ногиронлар оғир жиноят қилсалар, қамоққа олинмас эмишлар. Шу гап тўғрими?**

**Жавоб:** Мутлақо нотўғри. Чунки ногирон ҳам жамиятимизнинг тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади. Шунинг учун агар ногирон оғир жиноят у ёкда турсин, ҳатто енгил жиноят содир этса ҳам Ўзбекистон Республикаси ЖПКида белгиланган моддалар асосида жазоланади.

**Ойбек ИСОҚОВ, ҳуқуқшунос.**

